



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRLIGI HAY’ATINING
NAVBATDAN TASHQARI YIG‘ILISHI BAYONI**

2024-yil “21” may

2 – son

Toshkent shahri

Раислик қилувчи: **А.И. Икрамов** – Ўзбекистон Республикаси Спорт вазири

Иштирок этувчилар: Спорт вазирлиги ҳайъати аъзолари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик тизимидаги ташкилот, муассаса ва идоралар раҳбарлари, спорт турлари бўйича федерация ва ассоциациялар вакиллари (*рўйхат бўйича*).

КУН ТАРТИБИ:

Спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қўшимча чора тадбирларни белгилаш тўғрисида.

(Икрамов, Махмудов, Исмаилов, Каримов, Моминджанов, Ҳамраев, ..., Икрамов)

Йиғилишда қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**2026 йил Милан ва Кортина-д’Ампеццо шаҳарларида (Италия) бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида**” 2022 йил 1 июлдаги ПҚ–303-сон қарори қабул қилинган.

Қарор билан, қишки спорт турлари бўйича **спорт-таълим муассасалари, клублар ва тўғараклар тармоғини кенгайтириш**, уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, мавжуд **салоҳият ва имкониятлардан** келиб чиқиб, ҳудудларни **қишки олимпия ва паралимпия спорт турларига ихтисослаштириш** вазифалари белгиланган.

Шунингдек, қишки спорт турлари бўйича Ўзбекистон **миллий терма жамоа аъзоларини шакллантириш** ҳамда уларни нуфузли **халқаро ва минтақавий мусобақаларда иштирокини таъминлаш** каби **устувор йўналишлар** белгилаб берилган.

Шу билан бирга, 2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини тайёрлаш бўйича **Республика комиссиясининг 37-сон (VM 27/24-37-сон, 14.05.2024 й.) баёни** билан:

2026 йилги қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни **2024 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь-режасида** назарда тутилган маблағлар ҳисобидан;

қишки спорт турларини давлат бюджети ва ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни **Ўзбекистон қишки спорт турлари ассоциацияси орқали амалга ошириш** йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

Бундан ташқари, қишки спорт турлари бўйича спортчи ва тренерларга стипендияларни тўлаш юзасидан **Стипендиал комиссия таркиби**, унинг миқдори ва **мезонлари** тасдиқланганлиги қайд этилди.

Навбатдаги қишки **Олимпия ва Паралимпия ўйинлари** учун жами **10 та**, шундан **2 та Паралимпия спорт турлари** бўйича лицензияларни қўлга киритиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланганлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда Қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчилари ҳамда тренерларига стипендиялар тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом лойиҳаси бўйича қўшимча ахборот берилди.

“Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Адлия вазирлигидан 29.08.2017 й., №2923-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ, Спорт турлари ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш тўғрисидаги тақдимнома Спорт вазирлигининг ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиниб, ушбу спорт турини эътироф этиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш белгиланган.

Шундан сўнг, Спорт вазирлиги томонидан **2 та** шундан, Спорт федерациялари (уюшмалари) реестри ҳамда Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрлари юритилиши юзасидан маълумот берилди.

Бу бўйича Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш Спорт вазирлиги томонидан амалга оширилиши қайд этилди.

Шу мақсадда, Қишки спорт турлари ассоциацияси ижрочи директори **Х.Юнусов**нинг ҳисоботи тингланиб, Ассоциациянинг **мурожаатига асосан**, қишки спортнинг **конькида югуриш турини спорт турлари реестрига киритиш** масаласи муҳокама қилинди.

Шунингдек, **конькида югуриш** спорт тури қишки Олимпия ўйинлари дастурига киритилганлиги таъкидланди.

Қишки спорт турлари ассоциацияси томонидан келиб тушган мурожаат вазирлик ҳайъат аъзоларининг **овоз бериш йўли билан** кўриб чиқилди.

Кун тартиби юзасидан билдирилган таклифлар ва муҳокамалар якуни бўйича ҳайъат йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Қўйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:**

а) Спорт турлари реестрига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда Қишки спорт турлари ассоциацияси фаолияти бўйича Олий спорт ютуқлари бошқармаси бошлиғи **А.Низаметдинов** ва Қишки спорт турлари ассоциацияси ижрочи директори **Х.Юнусов**нинг ҳисоботлари;

б) Ўзбекистон қишки спорт турлари ассоциациясининг спорт турлари реестрига киритиш тўғрисидаги (05/12-сон, 20.05.2024 й.) мурожаати.

2. Спорт турлари ва уларнинг тармоқларини эътироф этиш реестрига конькида югуриш спорт тури киритилсин.

3. АКТни жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими (**Н.Шоймардонов**) **икки кун муддатда** Спорт турлари ва уларнинг тармоқларини эътироф этиш реестрига **конькида югуриш спорт тури** киритилганлиги муносабати билан “**ERP-Sport**” ягона электрон бошқарув тизимида Спорт турлари ва уларнинг тармоқларини эътироф этиш реестрига тегишли қўшимчалар киритсин.

4. Олий спорт ютуқлари бошқармаси (**А.Низаметдинов**) Девонхона (**С.Расулова**) билан биргаликда **уч кун муддатда** Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш ҳамда спорт турлари реестрига киритиш юзасидан мазкур ҳайъат йиғилиши қарори нусхасини Қишки спорт турлари ассоциациясига юборилишини таъминласин.

5. Мазкур ҳайъат йиғилиши баёнининг бажарилишини назорат қилиш Спорт вазирининг ўринбосари **Ш. Махмудов** зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Спорт вазирлиги, Ҳайъат раиси



А. Икрамов